

Япониялик файласуф ва роҳибнинг институтимизга ташрифи ва фильм премъераси

Бугун машҳур япон файласуфи, буддий роҳиби Терасава Дзюнсей Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ташриф буюрди. Унга ташриф пайтида улуғ шоиримиз Абдулла Ориповнинг қизи Шоира Орирова ҳамроҳлик қилди. Япониялик меҳмон таълим муассасамиз қошидаги Абдулла Орипов номли Ёшлар боғини ва музейни зиёрат қилдилар.



Дзюнсей Терасава тинчлик элчиси бўлиб, қарийб ярим асрдан бери бутун дунё мамлакатларга ташриф буюриб, тинчлик ва фаровонлик учун дуода бўляптилар. Кўп ҳарбий можароларни мамлакатлараро учрашувларда тинчлик ва келишув йўли билан ечим топишига кўп ҳисса қўшган инсонлардан бири. Ҳаёти давомида деярли барча давлатларнинг раҳбарлари билан учрашганлар ва сухбатлашган. Кўп ҳалқаро конференция ва симпозиумларда, шунингдек, БМТ ташкилотида ҳам йирик мамлакатларни ядрорий куроллардан воз кечишига чорлаганлар. 2004 йилда Ўзбекистонда “Шарқ ва Ғарб диалоги” номли илмий анжумандан кейин Ўзбекистон Ҳалқ шоири Абдулла Орипов билан кўришган. Ўзларини “Мангулик макони. Мен сенга уч минг йиллик дунёни топшираман” деган китобини тақдим қилган. У китобда Ўрта осиё ҳалқларини қадимги тарихи ва чукур фалсафаси ҳақида ёзилган.



Терасаванинг ёзишича, коинот билимларига эга бўлган, бизнинг қўрғонларимизда ётган қаҳрамонларимиз уйғонса ренессанс даври келиши ҳақида баён қилинган. Бу билимлар инсониятни коинот ва ер билан уйғунлаштириб, бутун ер юзида тинчлик барқарор бўлишини таъминлайди. Олимнинг таъкидлашича, бизнинг диёrimiz нафақат Буддизм ва Зардуштийлик динларини, балки энг юксак Кушон тамаддунининг бешиги ҳам бўлганини эстироф этди. Айнан Кушон сивилизацияси хамма ҳалқларни, дин ва маданиятларни бирлаштирган ва уйғунлаштирган. Бу ягона зўравонлик билан барпо бўлган тамаддундир. Бизнинг қонимизда, бизнинг генларимизда бу муҳим билимлар мавжуддир. Улар асрлар давомида бизгача Беруний, Навоий, Улуғбек асарлари орқали етиб келган. Бизнинг диёrimiz шу билимларни очса, буюк уйғониш даври ёки ренессанс даври келади. Терасава 2021 йил август ойида Ўзбекистонга келиб, Термиздаги машхур буддист тарихий обидаларни шу жумладан, Фаяз тепани зиёрат қилдилар ва тинчлик учун дуода бўлдилар. Институтимиз талабалари билан учрашиб, уларга гул каби очилиб, уйғонишни тиладилар. Зоро, буюк шоиримиз ёзганларидек “Иймон нури доим оқиб турган қонингизда, Ўзингиз ҳам билмагайсиз, бир гавҳар бор жонингизда” деган сатрлари бор. Ва ўша аждодларимиздан қолган улкан билимларни эслашимиз ва уларни тарғибот қилишимизга чорладилар.



Ташрифнинг давоми сифатида кечқурун соат 18:00 да "Адиблар хиёбони"да Абдулла Ориповга бағишлиланган хужжатли фильм премераси бўлиб ўтди. "Спектр" студияси томонидан сурата олинган ушбу фильмнинг ижодкорлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари, адабиётшунослар, институтимиз профессор ўқитувчилари, Ўзбекистон кинематография агентлиги раҳбарияти, улуғ шоримизнинг оила аъзолари иштирок этишди. Айниқса, япон роҳиби, файласуфи Терасаванинг қатнашиши ва табриклари даврага файл киритди. Тадбирни институт проректори Рузимурат Чориев очиб Ҳалқ шоирининг номини абдийлаштириш борасида таълим муассасасида

қилинаётган ишлар борасида сўз юритди. Сўнгра профессор Қиёмиддин Назаров, доцент Шуҳрат Ризаев, шоир Шодмонқул Салом, фильм ижодкори Фурқат Усмонов, Зулфия номидаги давлат мукофоти лауреати, "Interxaus" лицейи ўқувчиси Рухшоналар ўзларининг самимий табриклари билан чиқишлиар қилишди. Сўнгра фильм намойиш этилди. Фильм премъераси барчада илик таассурот қолдирди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати